

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСКАНДАРОВ МАРАТ МУХТАРОВИЧ

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА ИДИОПАТИК СКОЛИОЗНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.09 – Педиатрия
14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Искандаров Марат Мухтарович Болалар ва ўсмирларда идиопатик сколиозни ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш	3
Искандаров Марат Мухтарович Оптимизация диагностики и лечения идиопатического сколиоза у детей и подростков.....	23
Iskandarov Marat Mukhtarovich Optimization of the diagnosis and treatment of idiopathic scoliosis in children and adolescents.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСКАНДАРОВ МАРАТ МУХТАРОВИЧ

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА ИДИОПАТИК СКОЛИОЗНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.09 – Педиатрия
14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib577 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Зуфаров Азиз Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори

Умарходжаев Фатхулла Рихсходжаевич
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Алиева Нигора Рустамовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Шатурсунов Шахайдар Шаалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» сентябр соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» август куни тарқатилди. (2021 йил «23» август даги 15 рақамли реестр баённомаси).



А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хантов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда болалар ва ўсмирлар орасида гавда тузилишининг дағал косметик нуқсонлари ва эрта ногиронликка олиб келувчи, юрак-қон томири ва нафас тизими аъзолари функциясининг бузилиши билан кечувчи умуртқа поғонаси патологиясининг кенг тарқалган ва энг оғир шаклларида бири бўлган идиопатик сколиоз кўп учрамоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «... мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар гавда тузилишининг патологияси ва сколиотик касаллиги бўлган болалар сони йил сайин ортиб бормоқда. Шу билан бирга сколиознинг ногиронликка олиб келувчи оғир шакллари билан оғриган болалар сони ҳам ортиб бормоқда...»¹. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...идиопатик сколиоз патологик деформацияланган умуртқа поғоналари аниқланган ҳолатларининг тахминан 80-85% ини ташкил қилмоқда, касаллик 10-15 ёшда энг кўп аниқланади, яъни скелетнинг интенсив ўсиши ва етилиши даврига тўғри келмоқда...»². Идиопатик сколиоз патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болалар саломатлиги, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини яхшилаш, болалар ва ўсмирларда идиопатик сколиозни ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада идиопатик сколиоз бўлган болалар жисмоний ривожланиши ва соматик статусини баҳолаш; идиопатик сколиозли болалар ва ўсмирлар умуртқа поғонаси деформацияси турли даражаларида скелетнинг турли қисмлари суяк тўқимаси минерал зичлигини аниқлаш; болалар ва ўсмирлар идиопатик сколиозда умуртқа поғонаси деформациясининг зўрайиши эҳтимолининг прогностик кўрсаткичларини аниқлаш; болалар ёши, касаллик шакли ва даражасига боғлиқ ҳолда идиопатик сколиозни комплекс консерватив даволаш босқичларини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда идиопатик сколиознинг турли даражалари ривожланишига қараб касаллик профилактикаси, ташҳиси, консерватив ёки жаррохлик даволаш ва олиб боришнинг оптимал алгоритминини ишлаб чиқиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда турли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «... аҳолига

¹ WHO. World health statistics, 2013; WHO. Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

² Сампиев М.Т. Сколиоз. клиника, диагностика, классификация. Учебно-методическое пособие. Москва, ГОЭТАР. 2012.- 125с

сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»³вазифалари белгиланган.Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, болалар саломатлиги, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини комплекс баҳолаш ва юзага чиқадиган ҳолатларларни ташхислаш ва даволашнинг турли усулларини такомиллаштириш, айниқса уларда кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Идиопатик сколиоз (ИС) - болалар ва ўсмирларда гавда тузилишининг дағал косметик нуқсонлари ва эрта ногиронликка олиб келувчи, юрак-қон томири ва нафас тизими аъзолари функциясининг бузилиши билан кечувчи (Садовая Т.Н., 2010; Михайловский М.В., ва ҳаммуал., 2017, Brooks Smyrnis P. et al., 2009) умуртқа поғонаси патологиясининг кенг тарқалган ва энг оғир шаклларида бири бўлиб, беморларнинг руҳий ҳолатида оғир акс этади (Миронов В.С., 2010; Bouloussa Н. ва ҳаммуал., 2019). Идиопатик сколиоз бўйича статистик маълумотларни ҳисобга оладиган бўлсак, сўнгги ўн йиллар давомида маълумотлар деярли бир хил: сколиоз болалар аҳолисининг 1-12% ида учрайди (Садовая Т.Н., 2010; Брукс С., Майрнис П. ва бошқалар, 2009).

Т.Н. Садовая (2010) маълумотларига кўра, идиопатик сколиоз патологик деформацияланган умуртқа поғоналари аниқланган ҳолатларининг тахминан 80-85% ини ташкил қилади. Буларнинг барчаси идиопатик сколиоз болалардаги таянч-ҳаракат аппаратининг энг кенг тарқалган касалликларидан бири эканлиги ҳақида далолат беради. Статистик маълумотларни батафсил

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

таҳлил қилиш идиопатик сколиознинг бошқа баъзи хусусиятларини кўрсатади: у 10-15 ёшда энг кўп аниқланади, яъни скелетнинг интенсив ўсиши ва етилиши даврига тўғри келади. Айнан шу даврда, ҳар учинчи-тўртинчи беморда умуртқа поғонаси патологик деформациясининг энг хавфли хусусияти – оғишмай зўрайиб бориши намоён бўлади (Grivas T.V. et al., 2009).

Идиопатик сколиознинг клиник ва рентгенологик кўриниши асосида унинг типик ва атипик турлари фарқланади. Кўпинча кўкрак физиологик кифозининг лордозланиши ва бел қисмида физиологик лордознинг кучайиши билан, умуртқа поғонасининг ўнг томонлама кўкрак қисми ва чап томонлама бел қисмидаги деформацияси типик турига киради. Ушбу шаклдаги умуртқали таналарнинг патологик айланиши эгрилик ёйининг конвекс томонига (convex side rotation) ўтади. Ҳар учинчи ҳолатда ушбу турдаги деформация прогрессив хусусиятга эга ва шу билан туғма юрак нуқсонлари, кардиореспиратор, ошқозон ва марказий асаб тизимининг дисфункциялари энг кўп учрайди (Grivas T.V. et al., 2009).

Атипик сколиозда умуртқа устунининг фронтал эгрилиги кўпинча кўкрак қисмида чап томонлама, бел қисмида ўнг томонлама бўлади. Ушбу тур учун фронтал қийшайиш томонига умуртқа таналарининг айланиши билан бирга физиологик меъёрдан ошадиган кифоз ёки concave side rotation принципиал бўлиб ҳисобланади. Атипик идиопатик сколиознинг асосий хусусияти - унинг ривожланишининг прогрессив бўлмаган характерда эканлигидир. Кўриниб турибдики, умуртқа поғонасининг деформацияси жараёнида, унинг этиологиясидан қатъи назар, иккита энг муҳим бўлган бўшлиқ - кўкрак ва қорин бўшлиғи учун ноқулай шароитлар яратилади. Уларнинг анатомик ўлчамлари ўзгаради ва энг муҳими, улар бир вақтнинг ўзида ҳажмларининг кичрайиши билан деформацияланади (Михайловский М.В. ва ҳаммуал. 2017). Бундай беморларда ички аъзолар томонидан функционал бузилишларнинг частотаси популяцияга қараганда анча юқори (Дудин М.Г., ҳаммуал., 2009).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.26.10 «Сколиотик касалликда болалар ва ўсмирларда умуртқа поғонасининг асос деформациясини босқичма-босқич хирургик коррекция қилишни такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болалар ва ўсмирларда идиопатик сколиозни ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

идиопатик сколиоз бўлган болалар жисмоний ривожланиши ва соматик статусини баҳолаш;

идиопатик сколиозли болалар ва ўсмирлар умуртқа поғонаси деформацияси турли даражаларида скелетнинг турли қисмлари суяк тўқимаси минерал зичлигини аниқлаш;

болалар ва ўсмирлар идиопатик сколиозда умуртқа поғонаси деформациясининг зўрайиши эҳтимолини корреляцион таҳлил асосида прогностик кўрсаткичларини аниқлаш;

болалар ёши, касаллик шакли ва даражасига боғлиқ ҳолда идиопатик сколиозни комплекс консерватив даволаш босқичларини аниқлаш;

идиопатик сколиознинг III ва IV даражали прогрессив шаклларида корсетотерапияни қўллашни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика болалар ортопедия марказида идиопатик сколиоз билан касалланган 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган 128 нафар болалар ва ўсмирлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар периферик қони ва зардоб биокимёвий тадқиқотлар учун ва суяк тўқимаси минерал зичлиги кўрсаткичлари остеоденситометрия тадқиқотлари учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, рентгенологик, магнит резонанс томография, компьютер томография, остеоденситометрик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор идиопатик сколиозни етакчи сабаблари тузилмаси ва даражаси 4 та муҳим (F-2: умуртқа поғонаси деформацияси бўйича наслий ўзгаришлар, F-3: 10 ёшдан кейин деформация аниқлангани, F-6: скелетнинг бошқа дефектлари билан бирга кузатилиши, F-10: суяк тўқимасининг минерал зичлигининг пасайганлиги) омиллар кўрсаткичлари ортишига тўғри пропорционал боғлиқлиги исботланган;

болалар ва ўсмирларда идиопатик сколиоз умуртқа поғонаси функциясининг бузилиши суякли ўсиқларнинг ўрта чизикдан четга оғиши, куракларнинг асимметрик жойлашиши, елка усти баландлигининг турлича эканлиги, қовурға букрилиги ва Нэш-Мое бўйича торсия мавжудлиги билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

илк бор идиопатик сколиоз бўлган болалар ва ўсмирларда Z-мезони бўйича суяк тўқимаси минерал зичлиги кўрсаткичларининг пастлиги суякнинг остеосинтетик фаоллиги пасайиши ва умуртқа поғонаси конфигурацияси ўзгарганлиги билан пропорционал боғлиқлиги исботланган;

идиопатик сколиозли болалар жисмоний статусидаги функционал характерга эга бўлган ўзгаришлар кейинчалик полиорган патология билан оғирлашуви ҳамда пастбўйлик ва оксил–энергетик етишмовчилиги ривожланиши билан боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий модель асосида болаларда кузатиладиган идиопатик сколиозда жисмоний ва соматик статус бузилишлар шаклланишининг аниқ тавсифловчи 10 та энг муҳим омиллар асосланган;

болалар ва ўсмирларда кузатиладиган идиопатик сколиозда умуртқа поғонасининг деформацияланишини прогнози учун муҳим бўлган остеоденситометрик параметрлар исботланган;

болаларда кузатиладиган идиопатик сколиозни даволашда ишлаб чиқилган даво комплексини қўллаш ҳатто III ва IV даражали сколиотик

жараёнида корсет таъсирида умуртқа поғонаси деформациясини камайишига олиб келиши исботланган;

болаларда кузатиладиган идиопатик сколиозни даволаш ва прогнозлаш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалар ва ўсмирларда идиопатик сколиозни ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришдан республикада келажақда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган; илк бор идиопатик сколиозни етакчи сабаблари тузилмаси ва даражаси 4 та муҳим (F-2: умуртқа поғонаси деформацияси бўйича наслий ўзгаришлар, F-3: 10 ёшдан кейин деформация аниқлангани, F-6: скелетнинг бошқа дефектлари билан бирга кузатилиши, F-10: суяк тўқимасининг минерал зичлигининг пасайганлиги) омиллар кўрсаткичлари ортишига тўғри пропорционал боғлиқлиги исботлаганлиги, суяк тўқимаси минерал зичлиги кўрсаткичларининг пастлиги суякнинг остеосинтетик фаоллиги пасайиши ва умуртқа поғонаси конфигурацияси ўзгарганлиги билан пропорционал боғлиқлиги исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда кузатиладиган идиопатик сколиозда жисмоний ва соматик статус бузилишлар шаклланишининг аниқ тавсифловчи 10 та энг муҳим омиллар асосланганлиги, болаларда кузатиладиган идиопатик сколиозни даволашда ишлаб чиқилган даво комплексини қўллаш ҳатто III ва IV даражали сколиотик жараёнида корсет таъсирида умуртқа поғонаси деформациясини камайишига олиб келиши ҳамда идиопатик сколиозни даволаш ва прогнозлаш алгоритми такомиллаштирилганлиги уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалар ва ўсмирларда идиопатик сколиозни ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болалар ва ўсмирларда идиопатик сколиозни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган «Болаларда идиопатик сколиозни башоратлаш ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 мартдаги №8н-д/50-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши идиопатик сколиозни эрта аниқлаш, кечишини башоратлаш ва ўз вақтида даволашнинг оптимал усулларини танлашга хизмат қилган;

болалар ва ўсмирларда идиопатик сколиозни пайдо бўлиши ва ривожланиши асосида ишлаб чиқилган «Болаларда идиопатик сколиознинг ривожланиш хавфини башоратлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 мартдаги №8н-д/50-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши идиопатик сколиоз шубха қилинган болаларни эрта ташхислаш, ўз вақтида даволаш усулини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

болалар ва ўсмирларда идиопатик сколиозни ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Андижон вилояти Жалолқудук тумани тиббиёт бирмашмаси, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий - амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали, “Азимед-шифо” хусусий клиникаси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси амалиётларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги №8н-з/188-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши идиопатик сколиоз билан касалланган болаларда ташхислаш ва янги такомиллаштирилган даволаш услубини қўллаш орқали болаларда касаллик асоратларини олдини олишга, беморларнинг ташқи кўриниши ва қоматини тикланишига ҳамда ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши бўйича маълумотлар келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси берилган.

Диссертациянинг «**Идиопатик сколиоз муаммосининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида сколиотик касаллик, шунингдек

ташхислаш, прогнозлаш ва консерватив даволаш ҳақидаги масалаларнинг ҳозирги ҳолатига бағишланган маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар олиб борган ишларининг шарҳи келтирилган, корсетотерапияга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «Идиопатик сколиозда болалар ва ўсмирларни текширишга услубий ёндашиш» деб номланган иккинчи бобида муаммони ҳал қилишга имкон берувчи методологик ёндошувлар ва усуллар тақдим этилган.

Биз томондан ИС бўлган 128 нафар болалар ва ўсмирлар текширилди. Барча болалар Республика Болалар ортопедияси марказида даволанганлар. Ёшга кўра тақсимлашда биз ЖССТ таснифини ҳисобга олдик, олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, аксарият ҳолатларда 10-13 ёшли болалар (28,1%) кўпчиликни ташкил қилган. Уларнинг ўртача ёши - $10,2 \pm 0,39$ ёш. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, бу жинсий етилиш даврида скелет суякларининг жадал ўсиши ва айнан шу ёшда сколиотик деформациянинг зўрайиши ривожланишининг катта хавфи билан чақирилган.

1-жадвал.

ИС бўлган беморларни ёшга кўра тақсимлаш

Ёши	Ўғил болалар		Қиз болалар		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
3 ёшгача	5	45,5	6	54,5	11	8,6
4-6 ёш	5	25,0	15	75,0	20	15,6
7-9 ёш	11	40,7	16	59,3	27	21,1
10-13 ёш	15	41,7	21	58,3	36	28,1
14-17 ёш	16	47,1	18	52,9	34	26,6
Жами	52	40,6	76	59,4	128	100,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, беморларни жинсига қараб тақсимлаш қизлар фойдасига бўлди (1,5 марта), бу мавжуд адабиётлардаги маълумотларга мос келади.

Деформациянинг ифодаланганлик даражасига кўра тақсимлаш В.Д. Чаклин таснифига (1965). мувофиқ олиб борилди. Бизнинг тадқиқотларимизда деформациянинг I даражаси бўлган болалар 31,3% (40/128), II даражаси 23,4% (30/128), деформациянинг III даражаси - 17,2% (22/128 болалар), IV даражаси - 28,1% (36/128) ҳолатларда учраган. Сколиознинг кўкрак тури (35,2%; 45/128), кўкрак-бел соҳасида жойлашган тури (27,3%; 35/128), комбинацияланган тури (23,4%; 30/128), бел соҳасида жойлашган тури (14,1%; 18/128) устунлик қилган.

Назорат гуруҳида 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган 66 нафар бола текширилди. Барча болалар ортопедик тиббий кўрувининг хулосасига кўра умуртқа поғонаси деформациясининг белгиларига эга эмаслар. Назорат гуруҳидаги болаларнинг ўртача ёши $13,8 \pm 2,1$ ёшни ташкил қилган ($p < 0,05$).

Беморни клиник текширувдан ўтказишда елка усти баландлигининг турлича эканлиги, куракларнинг асимметрик жойлашиши, суяк ўсиқларининг ўрта чизикдан оғиши, қовурға букури ва мушак валики бўйлаб торсиянинг

мавжудлиги аниқланди. Бошни ушлаб тортиб кўрилганда умуртқанинг ҳаракатчанлигини, деформациянинг барқарорлигини текшириб кўриш муҳим. Бемор тик турган ҳолатда тоснинг қия туриши, умуртқа поғонаси бел қисми лордозининг мавжудлиги аниқланади; бемор чалқанча ётган ҳолатда – қорин мушаклари ҳолати, қоринда ётган ҳолатда – орқа мушаклари ҳолати текширилади. Сколиозда текшириш бемор турган ҳолатда, орқа, олд томондан, ётганда орқа томондан, сагиттал проекцияда ён томондан ва энгашиганда орқа ва олд томондан олиб борилади (1-расм).

Умуртқалар *ротацияси* суякли ўсиқларнинг оғиши олд рентгенограммада ёйларнинг асимметрияси бўйича аниқланади. Қовурғалар букрининг ўлчами танани олдинга ва пастга эгганда сколиометр билан ўлчанади.



1-расм. А. исмли бемор кўруви, 14 ёш

Болаларнинг ривожланиши ва ўсишини ЖССТ бўй ўлчаш стандартларини қўллаб баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2007 йил 30 мартдаги 145 сонли буйруғи асосида мониторинг анкетаси ишлаб чиқилган. Антропометрик кўрсаткичлар: тана бўйи, тана оғирлиги ва ТМИ (тана массаси индекси). ТМИ ушбу формула орқали ҳисоблаб топилади: тана вазни (кг) / бўй (м)². Болаларда тана бўйи, тана оғирлиги ва ТМИ кўрсаткичларини жинси ва ёшига нисбатан солиштирма баҳолашда ЖССТ 2007 йил таклиф қилган Z- баҳолаш усули бўйича, унинг клиник аҳамиятини баҳолаб ҳисобланди.

Рентгенологик текширув “JMDS-сервис” клиникасининг рентгенология бўлимида “Siluet” аппаратида (“General Electric” компанияси маҳсулоти) олиб борилди (128 сурат).

Магнит-резонанс-томография (МРТ) (30 сурат) текшируви Тошкент Тиббиёт академияси 3 клиникасининг рентгенология бўлимида “Magnetom Open Viva” (Siemens) аппаратида бемор чалқанча ётган нейтрал ҳолатда тана учун умумий эгилувчан радиочастотали катушкадан фойдаланиб, магнит майдонининг 0,2 Тесла кучланиши билан коронар ва трансверзал проекцияларда олиб борилди.

Суяк тўқимасининг минерал зичлиги (СМЗ) аксиал остео денситометр «LEXXOS» (Франция) дан фойдаланиб икки энергетик рентген абсорбциометрияси усули билан баҳоланди, 120 нафар текширувдаги беморларда умуртқа поғонаси бел қисмининг СМЗ (фронтал проекция, L1-L4);

сон суякларининг проксимал қисмлари (Dual Hip дастури- иккала сон суяги: бутун соҳа бўйича - Total Hip) баҳоланди.

Клиник денситометрия Халқаро жамиятининг тавсияларига мувофиқ (ISCD, 2004) скелетнинг минерализация даражаси $CM3$ кўрсаткичлари ва Z -мезони (SD) билан баҳоланди. Z -мезони $> - 2,0 SD$ бўлганида меъерий минерал зичлик қайд этилди, Z - мезон $< - 2,0 SD$ бўлганида ёшга доир меъёрдан паст бўлган $CM3$ нинг пасайиши аниқланди.

Даволашда 128 нафар беморлардан 120 нафар бола иштирок этди. 8 нафар болалар консерватив даво тўлиқ ўтмадилар ва тавсиялар ва ортопедик тартибга риоя қилмадилар. 120 нафар болалар текширув давомида 2 гуруҳга ажратилди: асосий ва таққослаш.

Асосий гуруҳ 90 нафар болалардан иборат бўлди: улар орасида ўғил болалар 36,7% (33 бемор), қизлар эса – 63,3% (57 бемор) ни ташкил қилди. Ушбу гуруҳда сколиоз коррекцияси суяк тўқимаси минерал зичлигининг кўрсаткичлари ва сколиотик деформациянинг бурчагини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштирилган комплекс консерватив давога мувофиқ олиб борилди. Даво муддати ўртача $1,5 \pm 0,2$ йилни ташкил қилди (1 йилдан 3 йилгача).

Таққослаш гуруҳи 30 нафар болалардан иборат бўлди, улардан ўғил болалар 13,3% (4 бемор), қизлар эса – 86,7% (26 бемор) ни ташкил қилди. Болаларнинг ушбу гуруҳида коррекцияловчи даво стандарт усул бўйича шаҳар поликлиникалари шароитида олиб борилди: ДЖТ, массаж, физиотерапевтик даво. Даво муддати ўртача $1,7 \pm 0,1$ йилни ташкил қилди (1 йилдан 3 йилгача).

Корсетотерапия “Шено” типигаги функционал-коррекцияловчи корсет ёрдамида бажарилди. Ўлчовлар ҳар бир бемор учун индивидуал тарзда олинди (2-расм).



2-расм. М., исмли бемор, 13 ёш. Сколиознинг III даражаси. Корсетотерапияда олд ва орқа томондан кўриниши (корсет “Шено”)

Давонинг узок муддатли натижалари клиник, рентгенологик, инструментал текшириш усуллариининг маълумотлари, шунингдек беморнинг гавда тузилиши ва ташқи кўриниши бўйича баҳоланди. Узок муддатли натижаларга биз 1 йиллик даводан сўнг олинган даво натижаларини киритдик.

Олинган маълумотларга статистик функциялар библиотекасидан фойдаланиб, EXCEL пакетида ишлаб чиқилган дастур бўйича Pentium-4

персонал компьютерида статистик ишлов берилди. Ўрта қийматлар тафовути $P < 0,05$ бўлганида ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «Идиопатик сколиозда болаларнинг соматик статуси ва жисмоний ривожланиши» деб номланган учинчи бобида идиопатик сколиоз бўлган болаларнинг соматик статуси ва жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари тақдим этилган. Болалар ва ўсмирлардаги ИСда антропометрик кўрсаткичларини таҳлил қилинганда айтиш мумкинки, деформациянинг кучайиши билан бўй ўсиши кўрсаткичларининг пасайиши бемор ёшига боғлиқ эмас бўлиб, унинг натижасида ўрта ва енгил даражадаги БЭНП ривожланади. (2-жадвал).

2-жадвал.

Сколиоз бўлган болаларнинг вазни, бўйи ТМИ бўйича сколиоз даражасига боғлиқ стандарт оғишларининг фоиз кўрсаткичлари (n=128)

	Сколиоз даражаси							
	Сколиознинг I даражаси (n=40)		Сколиознинг II даражаси (n=30)		Сколиознинг III даражаси (n=22)		Сколиознинг IV даражаси (n=36)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Тана вазни (кг)								
(-) 2 CO - (-) 3 CO	3	7,5	4	13,3*	4	18,2*	2	5,6
(-) 1 CO - (-) 2 CO	4	10	8	26,7*	0	0,0	3	8,3
(-) 1 CO - 0	14	35	10	33,3	10	45,5	16	44,4
Медиана	12	30	6	20,0	5	22,7	11	30,6
0 - (+) 1 CO	7	17,5	2	6,7*	3	13,6	4	11,1
Бўйи (см)								
(-) 2 CO - (-) 3 CO	3	7,5	4	13,3*	7	31,8*	9	25,0*
(-) 1 CO - (-) 2 CO	5	12,5	4	13,3	6	27,3*	7	19,4
(-) 1 CO - 0	16	40	0	0,0	8	36,4	3	8,3*
Медиана	13	32,5	17	56,7	1	4,5*	16	44,4
0 - (+) 1 CO	3	7,5	5	16,7*			1	2,8
ТМИ								
(-) 2 CO - (-) 3 CO	5	12,5	9	30,0	4	18,2	7	19,4
(-) 1 CO - (-) 2 CO	9	22,5	9	30,0	7	31,8	12	33,3
(-) 1 CO - 0	6	15	10	33,3	7	31,8	14	38,9
Медиана	17	42,5	2	6,7	2	9,1	3	8,3
0 - (+) 1 CO	2	5			2	9,1		
(+) 1 CO - (+) 2 CO	1	2,5						

Изоҳ: * - 1 гуруҳ кўрсаткичлари бўйича ишончилилик ($P < 0,05$)

Болалар ва ўсмирлардаги ИСнинг I ва II даражали деформацияларида соматик статус ўрганилганда, соматик тизимлар томонидан ўзгаришлар функционал характерга эгаллиги ёки умуман бўлмаслиги (ФВД кўрсаткичларини 15-20% пасайиши норма ҳисобланади; қорин бўшлиғи ва қорин орти соҳаси ва юрак-қон томир тизими томонидан топографик ва функционал ўзгаришларнинг кузатилмаслиги) аниқланди. Бу ҳолатда умуртқа поғонасининг деформацияси зўрайиб боровчи ва қайтмас характерга эга

бўлади. Болалар ва ўсмирлардаги ИСнинг III ва IV даражали деформацияларида кўрсаткичлар ўзгаришларини баҳолаш натижасида шуни айтиш мумкинки, нафақат умуртқалар ва умуртқалараро дисклардаги таркибий ўзгаришлар зўрайиб боради, балки соматик ўзгаришлар ҳам чуқурлашиб боради.

Болалар ва ўсмирлардаги ИСдаги жисмоний ва соматик статус бузилишларининг ривожланиш хавфи сабабларини умумлаштирилган тахлили ва катамнезида болаларнинг бошланғич аҳволи умумий модель асосида ИСда жисмоний ва соматик статус бузилишларининг шаклланишини аниқ белгиловчи ҳар бир инфект учун 10 та энг муҳим омиллар ажратиб олинишига ёрдам берди, бу ўз навбатида ИС да жисмоний ва соматик статус бузилишларини характерлайдиган бошқа умумий омилларнинг (3-жадвал) ўрнини кўрсатиб берди.

3- жадвал.

ИСнинг болаларнинг жисмоний ва соматик ривожланишига омилий таъсири модели

Омил	Номи	Е
F-1	Аёл жинси	13,2
F-2	Умуртқа поғонаси деформацияси бўйича наслий ўзгаришлар	8,5
F-3	10 ёшдан кейин деформация аниқлангани	14,7
F-4	Туғилишдаги вазн камлиги (3000 гр дан кам)	9,8
F-5	Оилада биринчи фарзанд	6,5
F-6	Скелетнинг бошқа дефектлари билан бирга кузатилиши	10,2
F-7	Яссиоёқлик	5,8
F-8	Кўкрак қафаси деформацияси	4,8
F-9	Чанокнинг қийшиқлиги	3,7
F-10	Суяк тўқимасининг минерал зичлигининг пасайганлиги	18,6
F-0	Нуль фактор	4,2

Шундай қилиб, омилий тахлил ИСда жисмоний ва соматик статус ўзгаришлар ривожланиш хавфини белгиловчи ва унинг натижаларини прогноз қилувчи энг муҳим омилларни аниқлаб берди.

Диссертациянинг «**Болаларда идиопатик сколиознинг ривожланиш хавфини прогнозлаш**» деб номланган тўртинчи бобида ИС бўлган болалар ва ўсмирларга клиник характеристика берилади. Беморларнинг (n=128) анамнези ўрганиб чиқилганда шу нарса аниқландики, ҳар 5 ҳолатда уларнинг оналарида ҳомиладорлик патологияси (токсикоз ва турли муддатларда стационар шароитда ҳомиладорликни сақлаб қолиш), туғруқ фаолиятининг бузилиши, туғруқ фаолиятини стимуляция қилиш аниқланган. 12.5% (16/128) ҳолатларда ака-ука ва опа-сингилларида умуртқа поғонаси деформацияси кузатилган. ИС белгилари илк бор қуйидаги муддатларда: 3 ёшгача - 11 беморда (8,6%); 4-6 ёшда - 20 беморда (15,6%); 7-9 ёшда - 27 (21,1%); 10-13 ёшда- 36 болаларда (28,1%); 14-17 ёшда - 34 (26,6%) беморларда аниқланган.

Физикал кўрувда барча беморларда умуртқа устунининг ифодаланган деформацияларининг мавжудлиги эътиборни қаратди. Бундан ташқари, кўпчилик беморларда, биз “ясси” (5,5%; 7/128), “воронкасимон” кўкрак

кафаси (2,3%; 3/128), ясси оёқлик (17,2%; 22/128), бўғимларнинг гипермобиллиги (6,3%; 8/128) каби кичик ривожланиш аномалияларини кузатдик. Болаларни клиник текширувдан ўтказишда елка усти баландлигининг турлича эканлиги, куракларнинг асимметрик жойлашиши, суякли ўсиқларнинг ўрта чизикдан четга оғиши, қовурға букри ва мушаклар валиклари бўйлаб торсия мавжудлигини аниқладик.

Кўриниб турибдики, сколиотик касаллиги бўлган 85,2% болаларда суякли ўсиқларнинг ўрта чизикдан четга оғиши, 78,9% ҳолатларда куракларнинг асимметрик жойлашиши, 53,1% беморларда елка усти баландлигининг турлича эканлиги кузатилди. Текширувдан ўтказилган 13,3% болаларда Нэш-Мое бўйича торсия мавжудлиги аниқланди.

Олинган маълумотларга мувофиқ биз томондан текширувдан ўтказилганларнинг умумий сонидан 55 нафар болаларда (45,8%) СМЗ нинг меъёрий кўрсаткичлари ($Z > -2.0 SD$), Z мезон $\leq -2.0 SD$ бўйича скелетнинг СМЗ нинг пасайиши 7 нафар (5,8%) болаларда аниқланди, умуртқа поғонаси СМЗ нинг паст кўрсаткичлари (L1-L4 умуртқалар бўйича) Z мезон $\leq -2.0 SD$ – 16 нафар болаларда (13,3%), критик регионларда ва бутун скелетда СМЗ нинг пасайиши Z мезон ≤ 2.0 – 41 нафар болаларда (35,0%) аниқланди.

Сколиоз бўлган текширувдан ўтказилган болаларнинг ярмидан кўпида скелетнинг асосий зоналари бўйича СМЗ нинг пасайиши кузатилади (54,2%). Кейинги босқичларда биз томондан деформация асосий ёйининг катталиги даражасига кўра СМЗ кўрсаткичларининг таҳлили олиб борилди. Кобба бурчагининг оғиши билан СМЗ меъёрий қийматларининг учраши камайиб боради. СМЗ пасайишининг энг кўп фоизи 3 ва 4 гуруҳда, яъни деформация асосий ёйининг қиймати 26 дан 50° гача ва 50° дан юқори - 85,5 ва 80% мос равишда кузатилади.

Прогнозни тузиш учун биз прогностик белгилар картасидан фойдаландик. Клиник-инструментал белгиларни аниқлаш учун 15 та нисбатан оддий ажратилди, уларнинг прогностик қиммати ва градациялари ўрганилди, асосий прогностик белгиларнинг информативлиги аниқланди (белгининг касаллик прогнози билан ўзаро боғлиқлиги).

120 нафар беморларда сколиотик касалликнинг ўзига хос клиник кечиши ўрганилди, уларнинг 70 нафарини (58,3%) қиз болалар, ўғил болалар - 50 (41,7%) нафарни ташкил қилди. Беморнинг жинси муҳим прогностик белги бўлиб ҳисобланади. Кўпинча қиз болалар касалланадилар ва уларда касаллик оғирроқ кечади. Беморларнинг бир қисмида (15 кузатув – 12,5%) бизнинг маълумотларга кўра, касаллик наслий характерга эга бўлди. Деформация кечишининг характерига турли жинсдаги шахсларга шунингдек ўсиш хусусиятлари таъсир кўрсатади. Пубертат даврида тез суратларда ўсиш сколиознинг зўрайиши учун энг қулай давр ҳисобланади, бу пайтда скелет жадал ўсади. 14-15 ёшларга келиб кўпчилик қиз болаларда ўсиш тўхтайтиди, ва зўрайиш хавфи анча камаяди. Ўғил болаларда эса ўсиш 16-17 ёшгача давом этади.

Бизнинг кузатувларимиз шуни тасдиқладики, эгрилик чўққиси қанча юқорида жойлашган бўлса, унинг прогнози шунча нохуш бўлади. Кўкрак

соҳасидаги ва комбинацияланган сколиозлар энг прогрессланувчи, бел соҳасида эса камроқ прогрессияланувчи бўлди (прогресс белгилари кузатилмади). Ўнг томонлама деформациялар, чап томонламага кўра (20 та кузатув), кўпроқ прогрессга (51 кузатув) учради.

Деформациянинг даражасига биз алоҳида эътиборни қаратдик. Сколиознинг I даражаси бўлган кўриқдан ўтказилган 120 нафар болалардан фақат 2 нафарида зўрайишга бўлган тенденция кузатилган. Сколиознинг II даражаси бўлган болаларда зўрайишга бўлган тенденция 5 ҳолатда, сколиознинг III даражаси бўлган болаларда – 12 нафар беморларда ва сколиознинг IV даражасида – 5 нафар беморларда зўрайишга бўлган тенденция кузатилган. Умуртқалар торсияси ва ёнлама эгрилик даражасининг нисбатини ўрганишда шунга ишонч ҳосил қилдикки, 23,3% беморларда ҳатто умуртқа эгрилигининг ёйи унча катта бўлмаганида ҳам, айниқса 6 ёшгача бўлган болаларда, 10° ва ундан юқори торсия прогностик жиҳатидан нохуш характерга эга. Сколиотик деформациянинг иккиламчи эгрилигини прогноزلаш учун Кон белгисига биз алоҳида эътибор қаратдик, уни бирламчи эгриликнинг ботиқ томонидан умуртқалараро тирқишни ўлчаш билан аниқладик. Белги 11 нафар беморларда аниқланди (7-8 ёшли болаларда 6 ҳолатда).

Сколиоз бўлган, консерватив даво олаётган 120 нафар болаларнинг 24 нафарида (20%) прогрессив тенденция кузатилди. Уларнинг 16 нафарида (13,3%) секин прогрессив тенденция, 2 нафарида (1,7%) ўртача прогрессив тенденция ва фақат 6 нафарида (5%) жадал прогрессив тенденция кузатилган. Биз шунингдек прогноزلашнинг ишончли белгиларининг информативлигини ўргандик (4-жадвал).

4-жадвал.

Сколиоз бўлган беморнинг прогностик белгилари картаси

№	Белгилари	Градац иялар	Прогноз				
			Зўрайишсиз	Секин зўрайиш	Ўртача зўрайиш	Жадал зўрайиш	
1	Жинси	аёл	2	66,58	78,74	86,08	91,22
2	Текширилган вақтдаги ёши	13ёш	5	-1,40	-0,45	-5,2	-0,85
3	Деформация аниқланган ёши	12ёш	6	41,40	50,88	64,35	69,00
4	Кузатув муддати	6-12ой	1	5,11	4,27	3,39	2,96
5	ПКқиймати	20°	4	-8,19	-14,92	-14,6	-23,64
